САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРАЕВА МАХЗУНА ГАЙРАТОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВИДЕНЦИАЛЛИКНИНГ КОГНИТИВ ВА ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ (СЕЗГИ ФЕЪЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

УДК: 412.5=20=943.75

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences

Хамраева Махзуна Гайратовна
Инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциалликнинг когнитив ва прагматик таҳлили (сезги феъллари мисолида)..... 3

Хамраева Махзуна Гайратовна
Когнитивный и прагматический анализ эвиденциальности в английском и узбекском языках (на примере глаголов восприятия)..... 29

Khamraeva Makhzuna Gayratovna
Cognitive and pragmatic analysis of evidentiality in the English and Uzbek languages (in the sample of perceptual verbs)..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 58

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРАЕВА МАХЗУНА ГАЙРАТОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВИДЕНЦИАЛЛИКНИНГ КОГНИТИВ ВА ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ (СЕЗГИ ФЕЪЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1670 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда "Ziyonet" ахборот таълим портали www.ziyonet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мирсанов Ғайбулла Қулмуродович** филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Ризаев Баҳодир Хайдарович** филология фанлари доктори, профессор
	Расулов Зубайдулло Изомович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022-йил "30" декабрь соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 23382937; факс (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 61243 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 2382937.

Диссетация автореферати 2022-йил "20" декабрь куни тарқатилди.
(2022 "20" декабр даги 57 рақамли реестр баённомаси).

И.М. Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

А.А.Яхшиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби вазифасини бажарувчи, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С. Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳон тилшунослигида тил тизимининг турли сатҳларига тегишли бўлган лексик, грамматик тузилмаларининг шаклланиши, уларнинг семантик ифодаси, лингвокогнитив асосини тадқиқ этиш кўплаб тилшуносларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда. Шунга кўра, тилшуносликда маълум мазмунга эга феълли тузилмаларнинг қиёсий-типологик, функционал-семантик, лингвокогнитив, прагматик хусусиятлари ва семантикаси таҳлилида эвиденциал категорияларни белгилаш ва уларни қиёсий типологик таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Чунки, сўзловчи етказаётган маълумотга нисбатан гувоҳлик лексик, грамматик, синтактик кўрсаткичларга эга бўлиб, турли тизимли тилларда ҳар хил лисоний воситалар ёрдамида ифодаланади. Зотан, ҳар бир тилнинг ўзига хос синтактик муносабатлари нутқий тузилмалар шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай маълумотни етказиш, қабул қилиш аввало инсон сезги аъзолари ёрдамида амалга оширилади, бинобарин сезгиларсиз муайян бир маълумотни қабул қилишнинг мутлақо иложи йўқ. Эвиденциаллик категорияси айнан маълумотларни қай йўсинда етказиш, унинг грамматик, лексик, когнитив, прагматик асосларини ўрганади. Эвиденциалликнинг барча тилларга хослиги маълум, аммо мазкур категориянинг ҳар бир тилда турлича намоён бўлиши ҳамда семантик воқеланишдаги фарқланиши чоғиштирма таҳлил асосида тадқиқ қилиш орқалигина амалга оширилади. Мазкур диссертацияда эвиденциаллик категориясининг инглиз ва ўзбек тилларидаги таҳлилига сезги феъллари асос қилиб олинди.

Дунё тилшунослигида эвиденциал маънолар нафақат феълга хос хусусият, балки оғзаки нутқ ва ёзма матнда прагматик мазмунга таъсир этадиган ҳодиса сифатида ўрганилади. Шунингдек, ҳозирги замон тилшунослигида алоҳида тузилмалар англатадиган эвиденциал маъноларни шакллантирувчи лисоний бирликларни тизимли равишда таҳлил қилиш кенг тус олган. Ишда эвиденциаллик ҳодисасининг замонавий тадқиқида ушбу ҳодиса таснифидаги алоҳида маъноларни ташкил қилувчи лисоний бирликлар, грамматик шакллар, уларнинг семантик ифодаси, синтактик муносабатлари ва шу асосда ҳосил бўладиган нутқий тузилмаларнинг когнитив-прагматик хусусиятлари чоғиштирма аспектда инглиз ва ўзбек тилларида илк бор ўрганилаётгани ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ҳозирги кунда республикамизда илм-фанни ривожлантириш мақсадида тадқиқотчилар олдига қатор вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда хорижий тилларнинг назарий асослари тадқиқи ҳамда ушбу тадқиқотлар натижаларини узлуксиз равишда тил таълими амалиётига татбиқ қилиш масаласи муҳим саналади. Хорижий тилларни назарий ва амалий ўрганиш халқлар ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган ПФ-6198-сонли (01.04.2021.) "Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш,

олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш"[1] борасидаги вазифалар тилшунослик соҳасидаги тадқиқотлар кўламининг кенгайишига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021-йиллардаги бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони ва унинг давомийлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сонли "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги, 2019-йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сонли "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисидаги", 2020-йил 20-октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"[2]ги ПФ-6108 сонли фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 11-августдаги 610-сонли "Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"[3]ги, 2018-йил 5-июндаги ПҚ-3775-сон "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[4], 2021-йил 19-майдаги ПҚ-5117-сон "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"[5]ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув жараёнида жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда технологик жиҳатдан ривожланиб борар экан, ушбу ҳолатда чет тилини ўрганиш ва ўзлаштириш масаласи долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибида асосий масалага айланиб улгурган. Бинобарин, мазкур диссертацияда ушбу масалалар юзасидан илмий назарий ишларни амалга ошириши назарда тутилган. Эвиденциал семантик тавсифдан ўрин олган маълум мураккаб ҳодисаларни ташкил этувчи грамматик, лексик бирликлар кўплаб тилшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда. Бундан мақсад тилларда эвиденциалликни белгиловчи лисоний сатҳларни ажратиб олиш ҳамда уларнинг фарқловчи белгиларни аниқлаш, лексик-грамматик кўрсаткичларни белгилаш, прагматик вазифаларига ойдинлик киритишга қаратилган. Ҳозирги

[1] https://lex.uz.docs/01.04.2021
[2] https://lex.uz/docs/5058351
[3] https://lex.uz/docs/3304915
[4] https://lex.uz/docs/3765586
[5] https://lex.uz/docs/5426736

кунга қадар, мазкур ёндашув замирида эвиденциалликни ҳосил қилувчи морфологик воситаларнинг синтактик ва лексик бирликлари когнитив мазмуни ва грамматик воқеланишини аниқлаш масаласи дунёнинг кўплаб олимлари эътиборини жалб этиб келмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эвиденциаллик ҳодисасининг функционал-семантик, грамматик ҳамда когнитив фаоллашуви турли тиллар тизимидаги қиёсий тадқиқи тилшунослар диққатини доимо жалб қилиб келган. Жумладан, В.Плунгиан, А.Айхенвальд, Г.Дийвальд, Б.Корнилли, М.Макарцев, Р.Лангакер, С.Муррай, Ф.де Хаан, Ж.Барнес, А.Лойд, А.Кратшмер, С.де Лансей, Г.Лазард, М.Беднарек, В.Чафе ва Г.Никольс, М.Фаллер, Л.Жоҳансон, Р.Жекендоф, Ф.Лионнет[6] каби олимлар томонидан олиб борилган изланишларни алоҳида қайд этиш керак. Феъл семантикаси масалалари К.Бахе, В.Бондарко, В.Гузев, Т.Белошапкова, А.Юлдашев, Ӧ.Даль, Б.Левин, В.Эванс, Б.Кортман, Б.Ризаев, Ғ.Мирсанов, А.Ҳожиев, Б.Менглиев, С.Муҳаммедова[7] ва бошқалар томонидан ўрганилган. Феълнинг лексик-семантик таснифига семантик майдон нуқтаи назаридан Т.Жеребило, Ю.Караулов, А.Йолллес, Й.Трир, С.Моисеева, Л.Вейсгербер, Л.Адриенне, Л.Васильев ҳамда Р.Шахимов, Ё.Хамраевларнинг[8] тадқиқотларига мурожаат қилинган.

[6] Aikhenvald Y.A. Evidentiality (Linguistics) – Oxford University Press, 2004. – 226 p.; Diewald G., Smirnova E. Linguistic realization of evidentiality in European languages. Walter de Gruyter: Berlin-New York: 2010. – 338 p.; Cornillie B. Evidentiality and epistemic modality. On close relationship between two categories. Functions of language. – Cambridge, 2004. – 168 p.; Макарцев М.М. Эвиденциальность в пространстве балканского текста. – М.: Нестор-История, 2014. – 444 с.; Langacker R.W. Cognitive Grammar. – Oxford: Oxford University Press: 2008. – 571 p.; Murray S. The Semantics of Evidentials. – Great Clarendon Street Oxford, UK: 2017.– 191 p.; F de Haan WALS. Semantic Distinctions of evidentiality, Privacy Policy Disclaimer. – Leipzig Max Planck Institute: 1999. – 413 p.; Barnes J. Evidentials in the Tuyuka verb. – International Journal of American Linguistics, 1984. – 271 p.; Lloyd B.A. Evidentials, paths of change and mental maps: Typologically regular asymmetries. –Norwood:1986. – 273 p.; Kratschmer A. The Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. – Berlin: Mouton de Gruyter: 2010.–368 p.; De Lancey S. Examining the Mirative and Nonliteral Uses of Evidentials. Linguistic typology. – Walter de Gruyter: 1997.– 231 p.; Lazard G. Mirativity, Evidentiality, Mediativity or other. Linguistic typology – Mouton de Gruyter: 1999. – 376 p.; Bednarek M. Epistemological Positioning and Evidentiality in English News Discourse – Walter de Gruyter 1860-7349. 2006. – P 635-660; Plungian V. Types of verbal evidentiality marking: an overview // Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. De Gruyter Mouton 2008. – 159 p.; Chafe W. Evidentiality in English conversational academic writing// Evidentiality the linguistic coding of epistemology. Ablex publishing. New Jersey USA: 1986.– 277 p.; Faller M. Reportative Evidentials and Modal Subordination. – Lingua De Gruyter: 2014.– 167p.; Johanson L., Utas B. Evidentails: Turkic, Iranian and neighbouring languages. – Berlin-Germany 1976. – 288 p.; Jackendoff R. Semantics and cognition In Lappin S (ed.), The handbook of contemporary semantic theory: 1996. – 559 p.; Lionnet F. Evidentiality and modality in Laal reported speech. – Australian National University, Canberra: 2017. – 280 p.;

[7] Bache C. The Study of Aspect, Tense and Action. Europäischer Verlag der Wissenschaften, – Frankfurt am Main: 1997.–350 p.; Бондарко А.В. К проблеме соотношения универсальных и идиоэтнических аспектов семантики: интерпритационный компонент грамматических значений, № 3 Вопросы языкознания, 1992. – С 17; Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках.– М., 1965. – 275 с.; Ризаев Б.Х. Проблемы аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претрита. – Ташкент "Фан": 1999; Гузеев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Глагол. – Л., 1990.–165 с.; Белошапкова Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке. – М., 2008. – 140. Мирсанов Ғ.Қ. Дискурс таркибида аспектуал ва темпораллик мазмуни ифодаси. – "Наврўз", Тошкент 2018. 156 б.; Dahl Ö. Tense and aspect systems. – Great Britain: The Bath Press, 1985. – 214 p; Levin B.C. Aspect, Lexical Semantic Representation and Argument Expression// www.standfort.edu/-bclevin/bls00; Evans V. The Structure of Time // Language, meaning and temporal cognition. –Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2005.–298 p.; B. Kortmann. Categorial reanalysis: The case of deverbal prepositions. – Walter de Gruyter 1992. – P. 671-697.

[8] Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. – Назран: LLC «Пилигрим», 2010. – 267 с.; Караулов Ю.Н. Common and Russian ideography. – М.: Наука, 1976. -365 с; Jolles A. Semantic field theory and the teaching of English vocabulary: 1985. – 560 p.; Trier J. Der Deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Versatndes, PhD diss.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг «Қиёсий тилшуносликнинг долзарб масалалари ва таржима муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг республика, фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциалликнинг когнитив, прагматик ҳамда функционал-семантик хусусиятларини сезги феъллари мисолида қиёсий аспектда таҳлил қилиш ва очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация олдига қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

эвиденциаллик назариясини ўрганиб чиқиш ҳамда эвиденциалликни ҳосил қилувчи категорияларни аниқлаш;

эвиденциаллик категорияси мажмуасини ажратиш ва уларнинг маъновий хусусиятлари таркибини шакллантириш;

ҳар икки тилдаги эвиденциаллик категориясини ифодаловчи лексик-грамматик воситаларни далиллаш;

қиёсланаётган тилларда эвиденциал кўрсаткичларнинг функционал ва прагматик вазифаларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз ва ўзбек тилларидаги эвиденциаллик категориясини ҳосил қилувчи лисоний бирликлар.

Тадқиқот предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги сезги феъллари мисолида эвиденциаллик категориясининг когнитив ва прагматик хусусиятларини чоғиштирма аспектда ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қуйидаги тадқиқ ва таҳлил усулларига мурожаат қилинди: тавсифлаш методи, қиёслаш ва мантиқий умумлаштириш усуллари, статистик, аспектуал-семантик, функционал-семантик ҳамда семантик майдон таҳлили.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

эвиденциаллик назариясига оид эвиденциал клише, миративлик, эпистемик модаллик каби тилшунослик категорияларининг когнитив ва прагматик асосга эгалиги аниқланди;

инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциаллик категориясини ҳосил қилувчи лисоний бирликлар (сезги феъллари) кўриш ҳаракати орқали (визуал), кўриш

Bon, 1931. – 131 p.; Моисеева С. А.Семантическое поле глаголов восприятия в западно-романских языках. БелГУ 2005. – 248с.; Weisgerber J.L. Die Stellung der Sprache im Aufbau der Gesamptkultur, 2 vols. 1981.– P. 1933-1944. Adrienne L. Semantic fields and Lexical structure. – Amsterdam, Benjamins: 1974. – 193 p.; Васильев Л.М. Семантика русского глагола. М.: Высшая школа, 1981. – 184 с.; Шахимов Р.И. Семантическое поле слов и его элементы [Текст] / И. Р. Шахимов // Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2015. №4(46) С 209-213; Хамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида). – Тошкент 2010. –172б.

ҳаракатисиз (новизуал) хусусиятлари аниқланиб, уларнинг фактуалликка хос бевосита ва билвосита маънолари асоси шакллантирилди;

инглиз тилидаги эвиденциаллик категориясини шакллантирувчи тузилмалар (seem, perceive, to turn out, etc.) белгиланиб, ўзбек тилида эвиденциаллик ҳодисаси лексик-грамматик воситалар (туюлмоқ, деб тушунмоқ, дея қабул қилмоқ, -ганди, -ибди, -аётир, -миш) ва бошқалар ташкил қилиши далилланди;

инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциал кўрсаткичларнинг саккиздан зиёд функционал-семантик турлари (хулосавий, квотатив, гувоҳий, визуал ва бошқалар) ўрганилди ҳамда прагматик (директив, ассертив, вердиктив каби) вазифаларни бажариши исботланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқ этилаётган феълларнинг эвиденциал хусусиятлари аниқланди, таҳлил қилинди ва икки тилда категориялаш усуллари ишлаб чиқилди;

инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатлар ҳамда бадиий адабиётлардан тўпланган мисоллар таҳлили давомида мавзу доирасида аниқ маълумотлар олинди.

Ишнинг натижалари назарий грамматика, чоғиштирма тилшунослик, қиёсий типология курсларидан ўқув қўлланмалар ёзиш ва ўқув-услубий тавсияномалар тузишда қўл келади, шунингдек, тадқиқот натижаларидан инглиз тилини ўқитиш амалиётига доир махсус курсларда синтактик-семантик муносабатларни ўрганиш масалаларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тилшуносликка хос метод ва назарий манбалардан фойдаланиш, қиёсий тилшунослик, назарий грамматика ва тил аспектлари амалиёти фанларида шаклланган назарий қарашлар ёрдамида муаммони ҳал қилишнинг таянч усулларига мурожаат қилган ҳолда амалга оширилганлиги билан асосланади. Шунингдек, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари бадиий адабиётлардаги мисоллар таҳлили орқали исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари синтактик тузилма мазмуни шаклланиши ва унинг семантик воқеланишини назарий грамматика ва қиёсий тилшунослик, тил аспектлари амалиёти, дискурс таҳлил назарияси каби фанлар доирасида ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Эвиденциаллик категориясининг лексик-семантик, грамматик воситаларини ажратиш лисоний бирликларнинг функционал-семантик майдонда амал қилишини англашга кўмаклашади. Тадқиқот натижаларидан инглиз тили назарий грамматикаси, қиёсий тилшунослик, дискурс таҳлил, прагмалингвистика, семантика соҳалари бўйича махсус семинарлар ташкил қилиш, тил таълими амалиётида, ўқув адабиётларининг янги авлодини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, тадқиқот материали тил ўрганувчиларда лексик, грамматик воситаларни ўринли қўллаш компетенциясини ривожлантиришда, синтактик семантик муносабатларни англашда хизмат қилиши билан белгиланади. Якка муаллифликда яратилган “English-Uzbek confusing words dictionary” луғати

2021-йил феврал ойида Қарши шаҳар "Насаф НМИУ" нашриётида (УЎК 811.111) ISBN 978-9943-18-277-6 грифи билан чоп этилган лугат инглиз ва ўзбек тилларидаги сезги феълларини эвиденциал семантикасини қамраб олган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг илмий янгилиги асосида:

эвиденциаллик назариясига оид эвиденциал клише, миративлик, эпистемик модаллик каби тилшунослик категорияларининг когнитив асосга эгалиги каби тилшунослик категорияларининг нутқда фаоллашуви жиҳатлари Жиззах давлат педагогика институти бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедрасида 2016-2017-йилларда олиб борилган МУЗ-2015-0725140051 "Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-ўзбекча-русча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш" инновацион амалий лойиҳасида (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2022 йил 20 майдаги №04-566 сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада, эвиденциал бирликларларнинг мулоқотда фаоллашуви мактаб ўқувчиларининг нутқини ривожлантиришга қаратилган лексик бойлигини оширишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциаллик категориясини ҳосил қилувчи лисоний бирликлар (сезги феъллари) кўриш ҳаракати орқали (визуал), кўриш ҳаракатисиз (новизуал) хусусиятлари аниқланиб уларнинг фактуалликка хос бевосита ва билвосита маънолари таҳлилидан Самарқанд чет тиллар институти ташаббуси билан Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган Эрасмус + дастурининг 2020-2021-йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPKA2-CBHE-SP-ERASMUS + CBHE IMEP: "Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш" номли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 февралдаги 305.30.02.01. сон маълумотномаси). Натижада, таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар сифатида мазкур тадқиқот ишидаги таҳлил натижаларига мурожаат қилинган;

инглиз тилидаги эвиденциаллик категориясини шакллантирувчи тузилмалар (seem, perceive, to turn out, etc.) белгиланиб, ўзбек тилида эвиденциаллик ҳодисаси лексик-грамматик воситалар (туюлмоқ, деб тушунмоқ, дея қабул қилмоқ, -ганди, -ибди, -аётир, -миш) воситалар таҳлилидан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2020-2021- йилларда бажарилиган Tempus Project 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL "Developing the Teaching of European Languages: Modernizing Language Teaching through the development of blended Masters Programmes" лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 февралдаги 302.30.02.01. сон маълумотномаси) . Натижада, инглиз тили оғзаки нутқини ривожлантириш учун ташкиллаштирилган тил аспектлари амалиёти ва тил кўникмалари интеграциясини ўқитишга йўналтирилган инновацион технологиялар сифатли такомиллаштирилган;

инглиз ва ўзбек тилларида эвиденциал кўрсаткичларнинг инференциал, квотатив, гувоҳлик каби функционал ва директив, ассертив, вердиктив каби прагматик вазифаларини бажариши таҳлили Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган 2019-2020 йилларда "Инглиз тилидаги сезги феълларига интерактив методлар орқали инновацион ёндашув" ҳамда "Инглиз тилини ўқитишда эвиденциал аспектдан фойдаланиш" номли кўрсатувлари доирасида диссертация илмий натижаларидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 18 февралдаги 1705/51 сонли маълумотномаси). Натижада, инглиз тилидаги феъллар маъно ва мазмунини ўзбек мактабларида интерфаол методлар орқали ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 3 та республика ва 7 та халқаро илмий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари 8 та илмий нашрларда акс эттирилган. Жумладан, 2 та хорижий журналда, 6 та республика ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика, фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I-боби "Эвиденциаллик категориясининг назарий асослари" деб номланган. Ушбу бобда эвиденциаллик тушунчаси ҳақида олимларнинг турлича қарашлари ва эвиденциалликнинг семантик майдон, когнитивлик ва прагматика билан узвий боғлиқлиги, унинг лисоний воқеланиши, қиёсий типологик таҳлили асослари, эвиденциал грамматик кўрсаткичлар тавсифи ва сезги феълларининг эвиденциал хусусиятлари аниқланган ҳамда мазкур ҳодиса воқеланишининг асосий омилларига оид муаммолар таҳлил қилинган.

Эвиденциаллик лингвистик категория бўлиб, ундаги бош маъно маълумот ўчоғи саналади. Бу эса, ҳар қандай турдаги маълумотнинг, у рост ёки ёлғон, бошқа шахслар томонидан қабул қилинганини билдиради. Эвиденциаллик етказилган маълумотдаги бирикиш ёки таг маънога қаратилган бўлиб, у белгиланмаган ёхуд бажарилмаган иш-ҳаракат борасидаги маълумотни ҳам англатиши мумкин[9] .

[9] Aikhenvald A.Evidentiality (Oxford Linguistics) – Oxford university press, 2004. – P.3.

М.Беднарекнинг таъкидлашича: “Таърифларнинг турлича ва хилма-хил бўлишидан қатъи назар, эвиденциаллик ҳодисаси когнитив асосга эга бўлиб, сўзловчи томонидан етказилаётган маълумотнинг тингловчида ишонч уйғотиши, сўзловчининг *эпистемологик* маконига алоқадор маълумотига асосланади”[10].

Р.Лангакер эса эвиденциалликни бирор шахснинг, ҳар қандай турдаги далил бўлишига қарамасдан, маълум фактик маълумотга доир тасдиғини англатишига урғу беради.[11]

Эвиденциаллик категорияси субъект ўзи гувоҳ бўлган, эшитган ёки билвосита ўзлаштирган маълумотни ифодаловчи лисоний воситаларни қамраб олади. Бу воситалар, жумладан *лексик, грамматик, синтактик, дискурсив* белгилари таҳлили билан боғлиқ саналади. Чунки эвиденциал воқеликни англатувчи грамматик воситалар мавжудлиги барча тилларга хос хусусият эмас. Грамматик эвиденциаллик категорияси айрим тилларда ривожланган бўлиб, унда лексик бирликлар ва дискурсив ҳодисалар муҳим ўрин тутади, модаллик ифодаси ва грамматик белгилар эса ёрдамчи кўрсаткич сифатида амал қилади. Мазкур тилларда эвиденциаллик бирламчи нейтрал категория сифатида нутқда, гап ёхуд матн даражасида муҳим ўрин тутади.

Эвиденциал таҳлил 3 турга бўлиш орқали ўрганилади: 1) замонни аниқлаш 2) кўчирма гапга айлантириш 3) сўроқ бериш.

Мазкур назарияларга асосланиб, немис олими Ф.Ҳаан эвиденциаллик ҳодисасини 3 гуруҳга бўлиб ўранишни таклиф қилган: 1) *experienced (тажрибага асосланган) 2) inferencial (хулосавий) 3) hearsay (миш-миш).*[12]

А) *Экспериенсед* яъни тажриба синовидан ўтган эвиденциаллик. – *John’s had a severe car accident today. – How do you know? – I have seen it myself.* Бунда сўзловчи ўз кўзи билан кўрган воқеани айтиб беради[13].

Б) *Инференциал* яъни таҳминий фикр ёки хулоса. – *John appears to be home (His car is in front of the door and the lights are on).* Бунда сўзловчи маълум объект орқали ўз мулоҳазасини билдиради (маълумотнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳали аниқ эмас, яъни фикр ўзининг аниқ исботини топмаган, шунчаки таҳмин қилинмоқда.

В) *Hearsay* яъни бировдан эшитилган маълумот (миш-миш). – *I hear you have got a tuition waiver at Stanford, congratulations!* Бунда биринчи одам иккинчи одам ҳақида ўзгалардан эшитган маълумотини бошқаларга етказади.

Эвиденциал бирликлар ўзининг бой, оригинал ва эмпирик маълумотидан ташқари, грамматикалашиш даражасига кўра эвиденциал турларни тўлдиради. Таъкидлаш жоизки, эвиденциаллик миративлик ҳамда эпистемик модаллик ҳодисалари билан ҳам боғлиқ.


Миративлик бу сўзловчининг биринчи, иккинчи ёки учинчи шахс томонидан эшитган янги маълумотига ҳайрати ёхуд лол қолишидир.

[10]Bednarek M. Epistemological Positioning and Evidentiality in English News Discourse. – De Gruyter Mouton, 2007.– P. 63.
[11] Langacker R. Foundations of Cognitive Grammar, Volume 1: Theoretical Prerequisites. – Stanford: Stanford University Press, 1987. – P. 28.
[12] F de Haan WALS. Semantic Distinctions of evidentiality, Privacy Policy Disclaimer 1999. – Б. 213.
[13] Diewald G., Smirnova E. Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. Berlin-Germany, 2010. – P.78.

Миративлик тушунчаси эвиденциаллик билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, семантика ва грамматикада аксиома сифатида қаралади[14].

Миратив маъно биринчи одамнинг бевосита қатнашиши орқали аниқлангани боис, тингловчи учун кутилмаган маълумот юзага келади. Масалан, инглиз тилида *We have been sleeping*[15] жумласи ўзбек тилида *Биз қотиб ухлаётган эдик* маъносини англатади. Бундан ташқари, миративлик эшитиш ёки кўриш орқали янги билимга эга бўлганда ҳам аниқланиши мумкин. *Сен ҳақиқий овчи экансан!* (кўриниб турибди) контексти инглиз тилида *(I see) You are a real hunter* рус тилида *(Я смотрю) ты, оказывается, настоящий охотник!* Бундан ташқари миративлик категориясини сўроқ гаплар таркибида ҳам учратишимиз мумкин: *Is Marx really going on tonight? (R.Crais.Chasing darkness; 46) Биз тарафларда қароқчилар жўқ эди-ку! (С.Аҳмад.Жимжитлик.49)* контекстлари миративликка яққол мисол бўлади. *Миративлик* ҳодисаси кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантирганда ёки кишининг маълум воқеа асосида ўзича фикрини баён қилиш жараёнида ҳам юзага келиши мумкин: инглиз тилида *You are weak, as it turns out!* ўзбек тилида *Яхшибоевдай қарчиғай ҳам қариган чоғида мусича бўпти-ку! (М.Дўст. Лолазор; 27).* Мазкур жумлалар ҳам инференциал ҳам информатив эвиденциаллик сирасига киради. *Қандай меҳрибонсиз-а! (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли; 25)* Мазкур гапда ҳам миративлик ҳам гувоҳий ва инференциал эвиденциаллик ўз аксини топган.

Таниқли тилшунос олим Виллет[16] эвиденциал ҳодисани қуйидаги чизмалар орқали ажратиб кўрсатган:



1-расм. Эвиденциаллик

[14] De Lancey S. The Mirative and evidentiality. – Mouton de Gruyter, 1997. – P. 33.
[15] Aikhenvald Y.A. Evidentiality (Linguistics) – Oxford University Press: 2004. – P. 226.
[16] Willet T.A. Cross Linguistic Survey of the Grammaticization of Evidentiality. Volume 12:1, 1988. – P. 58.

1-жадвал

Қуйидаги жадвалда эвиденциалликнинг қиёсий типологик таҳлилини мисоллар ёрдамида кўришимиз мумкин:

Тил	Инглиз	Ўзбек
Quotative/квотатив	*"Can't say I blame them", said McCawley.* (L.Health; 31)	-Элбек, Элбек, жон болам, тур! Уканг қани,-деди (А.Чимирзаев; 14)
Inferential/ хулосавий	*As he turned all his critical faculties inward, he found that he failed the inquisition.* (L.Health; 151)	*"Бахт бир қўрғонки, уни ҳар ким жанг билан қўлга киритади". Бу бахтга айланма йўл биланмас, тикка бориш марднинг иши!* (Ҳ.Назир; 10)
Informative/хабар бериш	*He showed a manilla envelope into my lap, but suddenly pulled it back, his oversize glasses making him look like a suspicious parrot.* (R.Crais; 91)	*Лоп этиб ҳаёлимга марварид зирак билан ёқут кўзли узук воқеаси тушди.* (Ў.Ҳошимов; 89)
Witness/ гувоҳий	*When I opened my eyes, I saw people staring at me and running over to help.* (J.Clear; 8)	*Лекин нечукдир Фариданинг кўнгли тўлмай ортига бот-бот қараб кетаверганини кўрдим.*(А.Чимирзаев; 28)
Hearsay/ миш-миш	*Lionel Byrd turns out to be one of the first winners with his goddamned clothes.* (R.Crais; 91)	*Ҳаким найновчи! Биринчи ўқитувчилардан эмиш* (Ў.Ҳошимов; 169).
Folklore/тарихий	*The windowless building was eternally under construction* (L.Health; 30)	*Худди ўша куни маъракадан уч кунми тўрт кун илгари галати воқеа бўлганди.* (Ҳ.Назир; 149)
Presumptive/фараз қилиш	*Jackson, I presume was his name, jumped up.* (P.Hawkins; 78)	*Менимча шу тошлоқ йўлдан текис-силлиқ йўлга чиқиб олиши ёки чанг босган йўлга чиқиб олиши ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ.* (А.Чимирзаев; 44)

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, эвиденциаллик категорияси ҳар иккала тилда мавжуд. Умуман эвиденциаллик ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, унинг *визуал (кўриш), квотатив, hearsay (миш-миш), информатив, репортатив, фолклор* турларини барча тилларда учратиш мумкин. Жумладан, Флориан Лионнет "уларни ифодалаш усуллари бир-биридан фарқ қилади", деган мулоҳаза юритади. Муаллиф Лаал тилидаги *bilá ki náá mi á gã tẽé tini* жумласини квотатив эвиденциаллик сирасига киритади[17]. Немис тилида ҳам эвиденциалликнинг турли хил усуллари аниқланган бўлиб, лингвист Герда Хаслер уларни айнан замон ҳамда sollen/wollen модал феъллари билан боғлаган ҳолда ўрганган. Олима *Maria soll ein Buch geschrienben haben (Айтишларича Мария китоб ёзибди)* жумласини мисол қилиб келтиради[18].

[17] Lionnet F. More than reported speech: Quotative evidentiality in Laal – Wocal 8, Kyoto University, 2015. – P.12.
[18] Haßler G. Evidentiality and the expression of speaker's stance in Romance languages and German. – Der Universität Potsdam, Philosophische Reihe; 138. – P. 8.

Инглиз тилида эса эвиденциаллик кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг визуал, квотатив, информатив, иккинчи шахс маълумоти, репортатив ҳамда пресамтив каби турлари аниқланган.

Диссертациянинг II-боби "Эвиденциаллик категориясининг лингвокогнитив асослари" деб номланиб, унда эвиденциаллик ментал жараёнлар билан боғлиқ ҳодиса сифатида ўрганилган. Мазкур бобдаги *феълнинг концептуал ифодаси ҳамда лингвокогнитив хусусиятлари* деб номланган фаслида феъл таснифи борасидаги қарашлар ва ёндашувлар таҳлили, шунингдек сезги феълларининг когнитив моҳияти ёритиб берилган.

Аксарият ҳолларда эвиденциаллик категорияси бевосита феъл тизими доирасида таҳлилга тортилади. Мазкур ҳодиса эвиденциаллик ва эпистемик модаллик тушунчалари ўртасидаги боғликда ўз аксини топиши айрим тилшунослар томонидан таъкидланган. Жумладан, А.Айҳенвальд эвиденециаллик категориясини икки гуруҳга: 1) квотатив эвиденциаллик; 2) сезги феъллари эвиденциаллиги. Қуйидаги мисолни визуал ёки гувоҳий эвиденциаллик сирасига киритади: *They waved when they saw me and I waved back*[19].

Рус тилида ҳам эвиденциалликнинг визуал (кўриш), квотатив, хеарсей (миш-миш), информатив каби турлари ўрганилган бўлиб, Андрей Каксин *Брат мой лучше меня людей наших знает, оказывается* мисолини инференциал эвиденциаллик сирасига киритади[20]. Маълумот сифатида шуни айтиш мумкинки, эвиденциалликнинг визуал, инференциал, ҳеарсей, информатив, квотатив каби турлари ўзбек тилида ҳам мавжуд. Мисол учун, *Чунки мен жуда кам гапираман кўпроқ эшитаман* жумласини информатив эвиденциаллик сирасига киритишимиз мумкин. Ушбу жумладаги *кўрмоқ, эшитмоқ* бирикмаси маълумотнинг асосини ташкил қилади. Бундан ташқари, эвиденциалликка биринчи одамнинг иккинчи одам ҳақида бераётган маълумотини киритадиган бўлсак, у қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин:

Ана узундан-узоқ кўприк (Ҳ.Назир. Кўктерак шабадаси;16) (мен буни ўзим кўрдим) - Визуал

Анави ерда узундан-узоқ кўприк бормиш (деб бошқалар айтишди менга) - (миш-миш)

Бу ерларда узундан-узоқ кўприк бўларди – Фольклор (тарихий)

Кўринадики, ўзбек тилида визуал эвиденциаллик биринчи шахс субъектнинг гувоҳийлик маълумоти ҳисобланса, миш-миш эвиденциаллигида ўзгалар томонидан етказилган маълумотга урғу берилади ҳамда ўзига хос лексик ифода воситаларига эга саналади. Фольклор эвиденциаллик эса *-арди, -ярди, -аркан, эди экан* каби морфологик кўрсаткичларга эгалиги билан бошқа турдаги эвиденциалликлардан фарқ қилади.

[19] Aikhenvald A. Studies in Evidentiality. – John Benjamins publishing company: Amsterdam/Philadelphia 2003. – 364 p.
[20] Каксин А.Д. Категория эвиденциальности и средства её выражения (на примере русского и обскоугорских языков. – Вестник ленинградского государственного университета им. А.С.Пушкина: 2008. – С.50.

Эвиденциалликда маълумот етказувчи субъект визуал жиҳатдан гувоҳ бўлган *"Jane came home, I saw (Жейн уйига келди, ўзим кўрдим)"* ёки эшик очилганини эшитган *Jane came home (I heard the noise) (Жейн уйига келди ўзим эшитдим)*. Эҳтимол, бошқа манбалар орқали маълумот олган, чунки кимдир унга у ҳақида айтган бўлиши ҳам мумкин *I heard Jane came home (they told me) (Улар менга Жейн уйига келганини айтишди)*. Бундан ташқари, муаллифнинг тахмини назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, *Jane came home (I assume) (Жейн уйига келибди деб ўйлайман)*. Қўшимча лисоний воситалар эвиденциаллик даражасини гапни етказишда таъкидланиши мумкин *Jane apparently came home (evidence) (because there is a car in front of her house)* маълумоти қўшимча тарзда келтирилиши мумкин. *(Жейн аниқ уйига келган (факт)*. Ушбу мисолдаги *apparently* равиши эвиденциаликка қўшимча далил вазифасини ўтовчи лексик восита ҳисобланади.

Ўзбек тилида ҳам юқоридагиларга ўхшаш таҳлилни амалга ошириш мумкин. Сезги гуруҳига оид феъллар ўзбек тилида маълум маънода эвиденциал хусусиятини акс эттиришда замон қўшимчалари билан бирга фаоллашади.[21] Замон грамматик маъносини ифодаловчи аффикслар *(-ти, -ди, -анди, -янди,-аётир, -ганди, -канди, -қанди -моқчи)* эвиденциал воқеланишни даражалаш учун хизмат қилади. Мисол учун, *Сарғимтил-кўкиш барглар қоплаган сувда эшкаклари ичига олинган эски қайиқ лопиллаб турибди (Ҳ.Гулом. Машъал; 5)*.

Гувоҳий эвиденциаллик деганда хабар манбасига сўзловчи бевосита кузатуви натижасида эришган маълумоти тушунилади. Одатда кузатиш ҳаракати кўриш ёки сезиш орқали амалга оширилади. Баъзан маълум воқеа - ҳодисанинг гувоҳи бўлиш ёки бўлмаслик (яъни ўз кўзи билан кўрмасдан туриб, бошқа бирор одамдан эшитиш) ҳам гувоҳий эвиденциаллик сирасига киритилиши ва булар бир-бири билан ўзаро таққосланиши мумкин. Ушбу тур эвиденциаллиги *"I was witness", "I have seen with my own eyes", "I was there"* маълумотлари *"Ўз кўзим билан кўрдим", "Ўзим гувоҳман"* каби бирликлардан ташқари *"I have heard", "I was informed", "They say", "эшитишимча", "айтишларича", "гувоҳлик беришларича"* каби ифода воситалари билан ҳам амалга оширилади.

Одатда эвиденциаллик қуйидаги категориялар орқали таҳлил қилиниши мумкин:

- тилларда кичик системалар ва эвиденциал парадигмалар; семантик фарқлар ёки прагматик хусусиятлар орқали;
- эвиденциал бирликларнинг бошқа грамматик категориялар билан майл, замон ва аспектда боғлиқлиги орқали;
- синтактик ва прагматик масалаларни ҳал қилишда тобе ёки эргаш гапда эвиденциалликнинг чекловлари орқали;

[21] Ибрагимова Н. Академик лицейларда фъл ва унинг маъновий турларини ўрганиш. Зиёнет: 2015. – Б. 7.

- грамматикализация даражалари ҳамда эвиденциалликнинг диахрон тараққиёти орқали;
- сезги феълларида эвиденциал маркерларни лексик манбаларга таснифлаш орқали;
- эвиденциал маркерларнинг турли контекстларда такрорийлиги, дистрибуцияси ва ўзига хос функциялари орқали [22].

Эвиденциалликнинг туб маъноларини аниқлаш учун, грамматик кўрсаткичларга эътибор қаратиш муҳим саналади. Айрим тиллардан фарқли равишда инглиз тилида эвиденциаллик тилда биз қабул қилган маълумотнинг бир бўлаги сифатида хизмат қилиши ва бир жумланинг ўзида барча сезгилар бирдек иштирок этиши мумкин. Мисол учун, *We perceive the world through sight, sound, smell, touch and taste (Clear J.Atomic habits; 75)*.

Кўрсаткичлар одатда замон *(-ed, -ing, -es)* ни суффикслар *(s/es/d/ed)* ни, қисқартмалар (can't, ain't)ни ифодалаб келади[23]. Масалан, *Snakes can smell by "tasting the air" with their highly sensitive tongues (Clear J.Atomic habits; 75)*. Мазкур вазиятда сўзловчи инглиз тилида маълумотнинг манбасини шифрлаб ёки деталлаб етказиши шарт эмас, гарчи уларда лексик ва синтактик семалар мавжуд бўлса ҳам. Кўпинча сезги феллари кишилар ўз нутқининг бошида айтмоқчи бўлган маълумотини visual (кўриш) ёки direct (тўғридан-тўғри) бўлган сезгилар орқали кўрсатиб ўтадилар.

1. I saw coffee still tasted sour (Crais R.Chasing darkness;34).-Визуал
2. I heard coffee still tasted sour (She told me).-Эшитиш
3. I felt coffee still tasted sour (I tasted it)- Гувоҳий
4. Coffee apparently tasted sour (Her face was discontented)- Хулосавий.

Эвиденциаллик турлича шаклларда ифодаланади. Европа тилларида эвиденциаллик грамматик шакллар, яъни вербал аффикслар ёки юкламалар орқали юзага чиқади. Ўзбек тилида ўтган замонни ифодалаловчи қуйидаги суффикслар мавжуд: *-ди, -ти, -ган, -кан, -қан, -ганди, -канди, қанди, -ганмиш, -канмиш, -қанмиш* ва ҳ.к.лар. Мазкур кўрсаткичлар фолклёр эвиденциаллик сирасига киритилади. Мисол учун, *Бир маҳал ойим майдон чеккасида туриб мени имлаб чақираётганини кўрибоқ югурдим (Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари; 68)*. Ушбу мисолдаги *кўрибоқ* равишдоши айнан кўз орқали амалга оширилган иш-ҳаракатга ишора қилаётгани боис визуал (кўриш) эвиденциаллигини ҳосил қилган.

Қишлоқни босмачи босганида Эрмон бува дарахтга чиқиб кетаётганида йиқилиб оёғи чўлоқ бўлиб қолганмиш (Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари; 66) Hearsay (миш-миш). Мазкур мисолдаги *қолганмиш* сўз бирикмасидаги *-миш* суффикси айнан миш-миш ва ғийбат эвиденциаллигини ҳосил қилган, бунда маълумот аниқ исботини топмаган. Демак, ўзбек тилидаги миш тўлиқсиз

[22] Diewald G., Smirnova E. Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. Berlin-Germany 2010. - P.378.
[23] Faller M. Reportative evidentials and modal subordination. Lingua 2014. – P.67.

феъли миш-миш эвиденциалликнинг лингвистик кўрсаткичи вазифасида келган.

Индамай токчадаги мойчироқни қўлига олди-ю эшиги йўқ чорчўпга қоқилган михдан эски увадаси чиққан матоҳни енгил бир узаниш билан олди ва чироқ шишасини авайлаб арта бошлади (А.Чимирзаев. Ҳаёт ёғдулари; 13). – Гувоҳлий эвиденциаллик (Ўзим кўрдим). Ушбу мисолдаги *увадаси чиққан, олди, бошлади* феъл бирикмаларидаги *-ди, -қан, -ади* шакл ясовчи кўрсаткичлари эвиденциалликдаги морфологик ҳодиса саналади.

У яна қайтиб келади кейин ҳаммаси янгитдан бошланади (Ў.Ҳошимов. Дунёнинг ишлари; 67) – Presumptive (Таҳминий). Келтирилган мисолдаги *-ади* кўрсаткичлари келажакка ишора қилаётганлиги боис, хулосавий эвиденциаллик сирасига киритилади.

Нутқий клише сўзлардан фойдаланишнинг стандарт намуналари, иборалар ва синтактик қурилмаларнинг типик қолиплари, шунингдек, муайян вазиятлардаги нутқий хатти-ҳаракатларнинг умумий моделларидан иборат бўлади. Одатда кундалик мулоқотда "клише" деганда нутқий қолиплар назарда тутилади. Ҳозирги замон тилшунослигида қоида тариқасида нутқий клишелар одатий қолипли бирикмаларни ифодалайди ва кўпинча клишеларнинг маъноси уларни ташкил этувчи сўзларнинг асл маъносидан фарқ қилади. Тилшуносларнинг фикрига кўра, нутқий клишелар бизга маълумот алмашинув жараёнини тезлаштиришда қўл келади, зарур сўзларни топиш ва уларни осон тушуниш учун камроқ куч сарфлаш имконини беради.

Америкалик олима Ж.Клаванс эвиденциал клишеларни икки турга бўлиб ўрганишни таклиф қилади: 1) оддий клишелар; 2) махсус клишелар[24].

Таъкидлаш жоизки, клишелар ҳар қандай сўз туркумига қўшилиши мумкин. Жумладан, отда *-ship, -ness, -or;* феълда *-ing* каби ясалиши мумкин. Масалан, *friendship, calmness, director, watching* ва ҳ.к. Бу эса фанда дистрибутив клише деб аталади. Шунингдек, клишелар гапда тушириб қолдирилиши ҳам мумкин. Бу тилшуносликда Х ва У комбинацияси деб номланади. Мисол учун, *You seen Jerry?* Бунда кўмакчи сўз "have" тушиб қолган. Аммо у асосий мазмунни бузиб юбормайди[25].

Ўзбек тилида ҳам клишелар мавжуд бўлиб, уларга от ясовчи қўшимчалар *-лик, -чи, -кор, -дон, -паз* ва ҳ.кларни келтиришимиз мумкин. Масалан, *тинчлик, дўстлик, балиқчи, ўқитувчи, мардикор, туздон, ошпаз* ва ҳ.к. бироқ. Ўзбек тилида тушириб қолдирганимизда маъно ўзгариши мумкин. Масалан: *Едингми?* сўроғи *овқатни, нонни, мевани* дея тушунилиши мумкин.

Эвиденциаллик ҳодисаси ҳам бевосита прагматик мазмун билан бирлашади. Эвиденциаллик борасида шу давргача олиб борилган тадқиқотлар унинг грамматик ёки лексик кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган.

[24] Clavans J.L. On Clitics and Cliticalization. The Interaction of Morphology, Phonology and Syntax. – London Routledge: 1995. – P. 9.
[25] Clavans J.L. On Clitics and Cliticalization. The Interaction of Morphology, Phonology and Syntax. – London Routledge: 1995. – 290 p.

Уларнинг аксариятида эвиденциаллик феъл туркуми доирасида тадқиқ этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Диссертациянинг III-боби "Эвиденциалликнинг прагматик ифода мазмуни" деб номланиб, унда эвиденциал маълумотлар прагматик нуқтаи назардан ахборотнинг ишончлилигини таъминловчи муҳим воситалар сифатида ўрганилган.

Мазкур бобда прагматик тадқиқотлар назариялари орқали нутқий актларнинг иллокутив хусусиятлари ҳамда эвиденциалликнинг нутқий вазифалари таҳлил қилинган. Таъкидлаш жоизки, эвиденциаллик ҳам ёзма ҳам оғзаки нутқда етказилаётган маълумотларнинг гувоҳлик хусусиятларини кўрсатиш учун хизмат қилади. Ушбу категория нутқда турли прагматик мазмунни касб этади.

Бироқ, инглиз оғзаки ва ёзма нутқидаги эвиденциал воқеликларни тадқиқ этган В.Чейф "Эвиденциал ҳодисалар жамланмаси билиш натижасига олиб келади" дея фикр билдирган. Муаллиф эвиденциал ҳодисалар орқали йиғиладиган билимларни 4 турга ажратади 1) belief (ишонч); 2) induction (индукция – бошланғич маълумот); 3) hearsay (эшитилган хабар); 4) deduction (дедуктив – натижа, оқибат). Буларнинг манбаи турлича бўлганлиги сабабли, уларни ҳар хил лингвистик соҳаларда ўрганиш кераклигини таклиф этади[26].

Матнда ҳолатни англатувчи феъллар эвиденциал маъно компоненти мавжудлиги билан ажралиб туради. Улар сўзловчининг маълумотга нисбатан жавобгарлигини англатиш хусусиятига эга. Бу хусусият сезги феълларига ҳам хосдир. Сезги феъллари ўз навбатида икки турга бўлинади: *1) ихтиёрий; 2) беихтиёр. Беихтиёр* юзага келадиган сезги феъллари гуруҳига *hear-эшитмоқ, feel-ҳис қилмоқ, notice-пайқамоқ* кабиларни киритсак, *ихтиёрий* мазмунни ифода қилувчи гуруҳга *watch-томоша қилмоқ, look-қарамоқ, listen-тингламоқ, smell-ҳидламоқ, taste-таъм билмоқ* кабиларни киритиш мумкин. Ҳар иккала тилда ҳам сезги феъллари маълумотни қабул қилиш ва етказишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маълумотни қай даражада қабул қилиш инсон онги ва фикрлаши билан боғлиқ. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз: *Dimply she heard Mrs. Bossidy speak behind her, felt her tug at her waist in attempt to pull her away (Susan Key; 29).*

Гап таркибида ўзбек тилидаги сезги феълларини кўмакчили феъл бирикмаси таркибида учратиш мумкин. Мисол учун, *кўриб қолмоқ, эшитиб қолмоқ* сезги феъллари беихтиёр эвиденциал ҳодисани англатади. *Қайси куни у мени автобус бекатида кўриб қолди. Атайлаб пойлаб турган экан шекилли, маҳкам ушлаб олди (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари; 124).* Ўзбек тилида сезги феъллари *-қол* кўмакчи феъли билан бирикишда эвиденциал воқеликни тасодифан юзага келишини англатади.

[26]Chafe W. Evidentiality in English conversational academic writing// Evidentiality the linguistic coding of epistemology. Ablex publishing. New Jersey USA. 1986.– P. 261-273.

"Эвиденциал иборалар турли хил нутқий актларга хос бирликларда гапларнинг синтактик қурилишига асосланади"[27]. Бинобарин, ҳар бир эвиденциал маълумот кесими феъл билан ифодаланадиган бирликка бориб тақалади. Гап доирасида эвиденциалликнинг ҳақиқий кўрсаткичи иллокутив мазмунда намоён бўлади. Прагматика доирасида эвиденциалликнинг семантик хусусиятларини уч турга ажратиш мумкин: а) масала мазмуни; б) масала мазмунига тегишли бўлган муносабат; в) иллокутив муносабат.

Мулоқот матни лингвистик тадқиқотда семиотика, дискурс дейксиси, нутқий актлар доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг мулоқот вазияти билан боғлиқ кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Прагматикада маълум шахс баёнининг ошкора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, *сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят қилиш* ва бошқалар) таҳлилига кенг эътибор қаратилади. Шунингдек, нутқ тактикаси, нутқ стратегияси ҳамда оғзаки нутқ одоби турлари суҳбат жараёнида сўзлашиш қоидалари, сўзловчининг мақсади, фикри, дунёқараши ва қизиқишлари, адресатнинг лексик ва семантик жамғармаси, сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати кабилар таҳлили ҳам прагматика бўлимида ўз аксини топади. Таъкидланган нутқий ифода турларидан адресат ва адресант ўртасидаги маълумот алмашинувида эвиденциал ахборот муҳим аҳамият касб этади. Масалан:

- *The fluttering and blushes and shy, shimmering smiles had their own appeal. It was flattering to a man to think he could cause that reaction.*
- *"My guards?" she asked.*
- *"Weren't they?" She looked like guards".*
- *"I suppose they are, though I guess I don't think of them that way" (Susan Key; 21).*

